УДК: 94(575.1)

ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒОРИШ ТИЗИМИГА ДОИР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР (1951–1990 йиллар)

О.К.Комилов

Мақолада 1951–1990 йилларда Ўзбекистонда ирригация тизимига доир мутахассис кадрларнинг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида тайёрланганлиги ва уларнинг суғориш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси бирламчи манбалардаги материаллар ёрдамида очиб берилган. Бундан ташқари, Сув хўжалиги вазирлиги раҳбарлик лавозимларининг бошқа миллат вакиллари билан банд қилинганлиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Ўзбекистон, совет ҳокимияти, ирригация, мелиорация, мутахассис, қўриқ ерлар, пахта яккаҳокимлиги.*

В статье говорится о подготовке специалистов в области ирригации в Узбекистане в 1951–1990 гг. на базе Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства и их вкладе в развитие ирригации и земледелия с помощью первоисточников. Кроме того, было проанализировано, что руководящие должности в Министерстве водного хозяйства занимали представители не местных национальностей.

Ключевые слова: *Узбекистан, советская власть, ирригация, мелиорация, специалист, целинные земли, монокультура хлопка.*

Ўзбекистон Марказий Осиё регионида деҳқончилик маданияти анъаналари бўйича ўзига хос профессионал тажрибага эга бўлган ҳудуд ҳисобланган боис совет ҳукмронлиги даврида республикада ирригация-мелиорация соҳалари учун таянч мактаб сифатида янада такомиллашди. 1934 йилда ташкил этилган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ҳозирги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети) бир неча ўн йиллар давомида айнан шу марказ ролини ўтади. Олий маълумотли ирригатор кадрлари Самарқанд қишлоқ хўжалиги ва Андижон пахтачилик институтлари (ҳозирги Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти) гидромелиорация факультетларида ҳам тайёрланди. Шу билан бирга, совет ҳукумати ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимига ҳам жиддий аҳамият берди. Бироқ сув хўжалиги идоралари раҳбарлик лавозимларининг маҳаллий шарт-шароитлардан ва деҳқончилик маданиятидан бехабар бўлган бошқа миллатга мансуб кадрлар билан ҳам банд қилинди.

Совет ҳокимияти сув хўжалиги кадрлари тайёрлашга доир бир қанча қарорлар қабул қилди. Хусусан, 1951 йил 12 майда ЎзССР Министрлар Советининг “Гидротехник мутахассисликлар техниклари тайёрлашни кенгайтириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу қарор СССР Министрлар Советининг 1951 йил 1 мартдаги “Гидротехник мутахассисликларга муҳандис ва техниклар тайёрлашни кенгайтириш тўғрисида”ги [1. В. 1] қарорига асосан ишлаб чиқилганди. Унга кўра, Республика Пахтачилик вазирлиги зиммасига қатор вазифалар юкланди. Жумладан, 1951–1952 ўқув йилидан Самарқанд қишлоқ хўжалиги техникумини гидромелиорация техникуми сифатида қайтадан ташкил этиб, йилига 90 кишини ўқишга қабул қилишни йўлга қўйиш ва бу техникумни ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги таркибига киритиш, шунингдек, Андижон, Наманган ва Бухоро қишлоқ хўжалиги техникумларида янги ўқув йилидан тўрт йиллик таълим берувчи гидромелиорация бўлимлари ташкил қилиш (учала вилоят техникумларига мазкур ўқув йилида 80 нафардан, жами 240 та талаба қабул қилиб ўқитиш мўлжалланди).

ЎзССР вазирликлари, идоралари ва ташкилотларига техникумларнинг икки йиллик гидромелиорация ва гидротехника бўлимларига қабул қилинган талабаларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олишига ҳеч қандай қаршиликсиз рухсат бериш, Андижон, Наманган, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоят ижроия қўмиталарига янги ўқув йилига қабул қилинадиган талабаларни 1951 йил 1 августига қадар Андижон, Наманган ва Бухоро қишлоқ хўжалик техникумларини – 100 ўринли, Самарқанд гидромелиорация техникумини – 90 ўринли, Хоразм гидромелиорация техникумини – 150 ўринли ётоқхона билан таъминлаш таклиф қилинди [1. В. 2].

1952 йил бошларида Фарғона водийсидаги сув хўжаликлари ҳамда “Ферганаводстрой” трести ишчи ва муҳандис-техник ходимларининг умумий сони 2188 кишини, 1958 йилда эса 3011 кишини ташкил этди. 1970 йилда бу кўрсаткич “Андижанводстрой” ва “Ферганаводстрой” трестларида 4899 кишига тенг бўлди, булардан 1301 киши машинист-экскаваторчи ва уларнинг ёрдамчилари, 531 киши скреперчи, 546 киши бульдозерчи, 231 киши грейдерчи, 163 киши тракторчи, 931 киши бетончилардан иборат эди. Лекин 1972 йил бошига келиб бир-

гина “Ферганаводстрой”да 46 та экскаваторчи, 182 та скреперчи-бульдозерчи, 108 та қурилиш ишчиси ва бошқа ўзлаштирувчи мутахассислар етишмади [3. Б. 69].

Шу йил 24 июнда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг “ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг маҳаллий ташкилотларида кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жойига қўйишга доир ишларни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғида кадрлар иш фаолиятига доир галдаги фикрлар қайд этилди: “Шу пайтга қадар 75% муҳандис ходимлар, 74 нафар участка гидротехниклари касбий билимларга эга бўлмаган ҳолда фаолият юритиб келди. 41 % суғориш тизими бошқарма бошлиқлари, 74 % туман сув хўжалиги бошлиқлари, 30 % суғориш тизими бошқармаси бош муҳандислари қуйи касбий маълумотга эга бўлган ҳолда муҳандислик лавозимида фаолият кўрсатди. Вазирлик аппаратида ҳам қатор муҳандислик ўринлари номутахассис кадрлар билан банд қилинди. Вазирлик ва унинг ҳудудий органларида маҳаллий миллат вакилларидан кадрлар тайёрлаш иши ҳам яхши йўлга қўйилмади. Ҳолбуки, вазирлик аппаратида ўзбеклар умумий таркибга нисбатан 2 % ни, Бухоро вилояти сув хўжалигида 3 % ни, Самарқандда эса 6 % ни ташкил этди” [4. В. 16].

Маълумотлардан кўриниб турибдики, совет даврида Сув хўжалиги вазирлиги таркибида маҳаллий миллатга мансуб бўлган шахслар озчиликни ташкил қилди. Шу билан бирга, юқоридаги буйруқда сув хўжалиги раҳбар кадрлари малакасини оширишдаги қатор камчиликлар ҳам таъкидлаб ўтилди: “Кадрлар бўлими, бошқарма бошлиқлари, вазирлик бўлимлари ва вилоят сув хўжалик бошқарма бошлиқлари раҳбарлик ишига номзодлар кўрсатиш учун резерв тузиш масаласи билан умуман шуғулланмаган. Ишчи ходимларнинг амалий (ишга доир) малакасини ошириш бўйича тадбирлар ташкил қилинмаган. Шу сабабдан ҳам вазирлик аппаратида ва унинг маҳаллий органларида 329 та эгалланмаган лавозим бўлиб, ундан 32 таси раҳбар ходимлар ва 297 таси эса мутахассислардан иборатдир” [4. В. 15].

1952 йил 16 августда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг “Сув хўжалиги органлари учун кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш ҳақида” [5. В. 90] ги махсус фармойиши чиқарилди. Унда республика сув хўжалиги идоралари ўқув йилида икки йиллик таълимга талабалар қабул қилишни 30 кишига кўпайтириш ва шунга мос равишда тўрт йиллик бўлимга қабул қилишни 30 кишига қисқартиришга рухсат беришга келишиб олинди. 1952–1953 ўқув йилида Сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги Тошкент гидромелиорация техникумида жами 718 нафар, шу жумладан, 1-босқичда 230 нафар, 2-босқичда 158 нафар, 3-босқичида 200 ва 4-босқичида 130 нафар талаба таҳсил олди [6. В. 11].

Совет ҳокимияти томонидан маҳаллий сув хўжалиги идораларини кадрлар билан тўлдириш мақсадида марказдан кадрлар юбориб турилди. Жумладан, “1953–1954 йилларда Марказий Фарғона қурилишларига олий ўқув юртлари ва техникум битирувчилардан 107 киши, шу жумладан, 37 киши ТИИИМСХдан, 13 киши Москва сув хўжалиги институтидан, 9 киши Киев гидромелиорация институтидан, шунингдек, Ленинград, Саратов, Омск, Ереван, Ростов ва бошқа шаҳарлардан ёш мутахассислар келди” [7. Б. 11]. Маълумотлардан маълум бўлишича, бошқа республикалардан юборилган кадрлар табиий шарт-шароитлардан бехабар эди. Шу сабабли маҳаллий аҳоли эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда талайгина муаммолар етилди.

1955 йил 31 октябрда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг “ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги тизимида кадрлар билан ишлаш тўғрисида”ги буйруғи эълон қилинди [8. В. 41]. Унда вазирликнинг кадрлар тайёрлаш борасида олиб борган фаолиятига баҳо берилди. Жумладан, вазирлик кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, тарбиялаш ишларини қайта қуришни тўла йўлга қўймаган. Вазирлик идораларининг баъзи лавозимлари бўш қолди, уларга кадр етишмади. Юқорида таъкидланганидек, совет ҳукмронлиги даврида суғориш тизими бошқарув лавозимларининг аксариятини бошқа миллатга мансуб кадрлар эгаллади. Бу жиҳат ўрта бўғин ўқув юртлари бўлмиш техникумлардаги ўқувчилар салмоғида ҳам яққол кўзга ташланди. Хусусан, техникумлардаги 2483 ўқувчидан 1056 нафари (42,0%) маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат бўлиб, ундан 7 нафарини ўзбек қизлари ташкил қилди. Баъзи техникумларда ўқув хоналарининг етишмаслиги сабабли ўқув машғулотлари икки сменада олиб борилди, ётоқхоналар йўқлиги туфайли 1700 ўқувчи хусусий хонадонларга жойлаштирилди [8. В. 44].

Сув хўжалиги тармоғи учун олий маълумотли ҳамда илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида йўлга қўйилди. Шу жумладан, “ТИИИМСХда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларидан кўплаб муҳандис ва илмий кадрлар тайёрланди. Мазкур ишга 1956 йилда киришилган эди. Бу ерда Монголия, Куба, Вьетнам, Миср, Афғонистон, Гана, Мали, Сомали, Кения, Нигерия, Сурия, Уганда, Яман, Танзания ва бошқа давлат вакиллари таҳсил олди, аспирантурани битириб илмий даражага эга бўлди”. Институтда 7 йил мобайнида дунёдаги 36 та мамлакат учун 289 мутахассис етказиб берилди [9. Б. 25].

Совет маъмурлари Фарғона водийсида ирригация кадрлари тайёрлаш тизимига ҳам урғу берди. Фарғона вилоят суғориш тизимида 1956 йилда фаолият кўрсатган олий маълумотли мутахассис кадрлар сони 485 тани ташкил қилган. Пахтачилик соҳасини янада ривожлантириш мақсадида ўзлаштирилган чўл ҳудудларда ҳам ўрта махсус ўқув юртлари ташкил этилди. Жумладан, “Мирзачўлда 1956–1966 йиллар мобайнида 7 та қишлоқ хўжали-

гини механизациялаш билим юрти ва 2 та давлат хўжалик-техникуми очилди. 1966 йилнинг 1 январи ҳолатига кўра, мазкур техникумларда 3000 га яқин киши таҳсил олди. Бу ўқув юртлари янги суғориладиган зонада ташкил қилинадиган хўжаликлар учун механизатор, техник-қурувчи ва кичик агроном кадрларини тайёрлади" [10. Б. 63].

Республикадаги тўртта мелиорация техникуми суғориш тизими учун ўрта бўғин мутахассислар – ирригатор кадрлар тайёрлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон сув хўжалиги учун иттифоқнинг бошқа республикалари ҳам ирригатор мутахассислар етиштирди. 1958 йилда Ўзбекистон ирригациясида 6000 минг мутахассис, шу жумладан, 2000 муҳандис, 4000 техник ишлади [11. Б. 9].

1961 йилда давлат ва жамоа хўжаликлардаги механизатор кадрларнинг умумий сони 71 мингдан иборат бўлган бўлса, 1965 йилга келиб, улар 98,9 мингни, 1967 йилда эса 108,9 мингни ташкил этди. 1961 йилда лойиҳа ташкилотларига юборилган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг умумий сони 69 тани ташкил қилди. Қарши чўлини биринчи навбатда ўзлаштириш тўғрисидаги 1963 йилда қабул қилинган партия-ҳукумат қарорида чўлга кўчирилганлар ҳақида "ғамхўрлик" қилиш кўрсатилган бўлса-да, бу вазифалар ўз вақтида бажарилмай қолар эди [12. Б. 66]. Натижада бу ҳудудда кадрлар қўнимсизлиги янада кучайиб кетди. Мазкур ҳолга эса совет ҳукумати ваҳшиёна муносабатда бўлди. 1969 йилда қўнимсизликнинг олдини олиш мақсадида ҳукуматнинг махсус қонуни қабул қилиниб, унда ҳунар-техника билим юртини тамомлагандан кейин қўриқ хўжаликларга жўнатилган ёш мутахассис кадрларнинг бир жойда доимий қолишини таъминлаш мақсадида қуйидагилар белгилаб қўйилди:

Биринчидан, махсус билим юртини тамомлаган ёш мутахассис ўз хоҳиши билан ишдан бўшаган тақдирда уни ҳунар-техника билим юртида тайёрлаш учун сарфланган ҳамма харажатларни хўжаликка ёки махсус ўқув юртига қайтариши керак.

Иккинчидан, бу усулда ишдан бўшаган кишининг меҳнат дафтарчасига қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилсин, яъни "ўз истаги билан аммо маъмурият ва жамоат ташкилотларининг розилигисиз бўшатилди".

Учинчидан, юқоридаги ёзувли меҳнат дафтарчаси билан бошқа ишга олаётганда уни ишга олувчи корхона ёш ишчи илгари ишлаган хўжаликка уни махсус билим юртида тайёрлаш учун сарфланган бутун харажатни ўз шахсий даромади ҳисобидан тўлаши керак [13. Б. 20].

Мустамлакачиликка асосланган мазкур тартиблардан яққол кўриниб турибдики, қўриқ ерларга юборилган ёш мутахассислар яшаш шароитларига мослаша олмаса, бошқа иш топишда катта қийинчиликларга дучор бўлган. Бироқ шунга қарамай, Қарши чўлида фаолият кўрсатган кадрлар сони сезиларли қисқармади. Чунки "Қарши политехникуми мутахассислар ва ўрта бўғин раҳбарларини тайёрлашнинг чинакам манбаига айланган. У қурилиш объектларида ишлаш учун 3000 дан зиёд ёш мутахассисларни тайёрлади. "Каршистрой"да 1520 нафар олий маълумотли, 1400 га яқин ўрта махсус маълумотли мутахассислар фаолият кўрсатди" Марказий Фарғона ҳудудидаги Бўз туман суғориш ташкилотларида кадрлар етишмаслиги кузатилди. Туман сув хўжалигида мутахассис гидротехниклар, муҳандислар, мироблар етишмади. 1965 йилда биргина Бўз тумани сув хўжалигида 64 нафар ходим ишлади, бироқ уларнинг кўпчилиги бажариб турган лавозимига тўғри келмасди. Бундай ходимлар 32 кишини ташкил қилди. Шу боис туман ижроия қўмитаси вилоят раҳбар органларидан гидромелиорация ўқув юрти битирувчиларидан Бўзга юборилишига ёрдам кўрсатишларини сўради [14. В. 68].

ЎзССР Министрлар Совети ва ЎзКП МҚнинг 1966 йил 11 май ва шу йил 31 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги мутахассислари ҳамда жамоа ва давлат хўжаликлар раҳбар кадрлари малакасини ошириш тизимининг келгусида самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги қарори ҚҚАССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туман қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг давлат хўжалик трестлари ҳамда жамоа хўжаликларнинг раҳбарлари томонидан ўрта меъёрда бажарилди [15. В. 11].

Шу билан бирга, раҳбар кадр ва мутахассисларни қайта тайёрлашга юбориш 1966–1967 ҳамда 1967–1968 ўқув йилларида яхши йўлга қўйилмади. Бунинг оқибатида Тошкент қишлоқ хўжалиги институти қошидаги раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш бўлимида машғулотлар икки ҳафта кечикди. Фактлар малака оширишга борган мутахассисларни институтларда мажбуран орқага қайтариш ҳолатлари ҳам бўлганини кўрсатади. Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институтининг малака ошириш факультетида 75 нафар зоотехник-қоракўлчи ўрнига фақатгина 45 нафар киши таҳсил олди. ТИҚХММИнинг малака ошириш факультетида эса режадаги 45 ўрнига 35 нафар муҳандис-гидротехник ва механик мутахассислар малака оширди.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти қошидаги малака ошириш факультети жамоа ва давлат хўжаликлари раҳбар кадрларини тайёрлаш бўлимида икки йил давомида 180 ўрнига 152 нафар, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг қишлоқ хўжалиги мутахассислари малакасини ошириш факультетида 288 ўрнига 180 нафар, ТИҚХММИда 96 ўрнига 73 нафар тингловчи таҳсил олди. 1970 йили ТИҚХММИда 8282 нафар талаба таҳсил олди, бу кўрсаткич 1965 йилга нисбатан 2367 нафар кўпроқни ташкил этди [16. Б. 326]. Институтни битириб чиққан мутахассислар ирригация, пахтачиликни комплекс механизациялаштириш, деҳқончилик маданиятини оширишнинг муҳим муаммоларини ҳал этиш билан шуғулландилар.

Совет идоралари Иттифоқни пахта билан мунтазам таъминлаш учун ўрта бўғин қишлоқ ва сув

хўжалиги кадрлар тайёрлаш тизимига муҳим эътибор қаратди. Шу сабабли уларнинг сони тобора ортиб борди. Тўққизинчи беш йилликда (1971–1975 йиллар) 6 та гидромелиорация техникумида ўрта махсус маълумотли сув хўжалиги бўйича кадрлар тайёрланди. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Урганч, Сурхондарё ва Нукус гидромелиорация билим юртлари фаолият кўрсатди. Бу ўқув юртлари ихтисосликлар бўйича 8496 та гидромелиорация, гидротехник қурилиш, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш ва сув хўжалиги тизими автоматик эксплуатацияси касби бўйича мутахассис кадрлар тайёрлади. Айтиш мумкинки, улар ўсишда давом этди. Хусусан, 1971 йилда – 1349 та, 1972 йилда – 1558 та, 1973 йилда – 1981 та, 1974 йилда – 1790 та ва 1975 йилда эса 1818 нафар ўрта техник маълумотга эга ёш мутахассис кадрлар тайёрланди. Мазкур беш йилликда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг олий маълумотга эга бўлган муҳандис-техниклари сони ҳам ортди. Уларнинг сони 1971 йилда 2164, 1972 йилда 2368, 1973 йилда 3337, 1974 йилда 4941, 1975 йилда 6139 кишини ташкил қилди. Беш йиллик давомида олий ўқув юртларидан 5487 та мутахассис сув хўжалиги ташкилотларига юборилди [17. Б. 321].

Келтирилган маълумотлардан аён бўляптики, марказнинг пахтачилик соҳасидаги аграр сиёсатига мувофиқ республикада ирригация соҳаси бўйича ўрта махсус ва олий маълумотга эга техник кадрлар тайёрлаш сони йилдан-йилга аста-секин ўсиб борди. Бироқ баъзи ерларда ирригация-мелиорация соҳасида кадрлар қўнимсизлиги жараёни ҳам кўзга ташланди. Таъкидлаш жоизки, дипломли мутахассислар (айниқса, ўзлаштирилган янги ерларда) қўнимсизлиги жиддий муаммо ҳисобланарди. Ҳокимият органлари ва кўпчилик агрохўжаликлар раҳбарлари мутахассисларнинг ишда муқим қолиши учун шароит яратиш билан шуғулланмас эдилар. Олий ўқув юртлари ва техникумларни битириб қишлоқларга юборилган ёш мутахассислар уй-жой билан етарли таъмин этилмас, улар кўпинча ўз мутахассислиги бўйича ишламасди [18. Б. 553].

Республиканинг кўплаб ирригация бошқармаларида олий маълумотли мутахассислар айниқса етишмади. Ҳолбуки, “Ферганаводстрой” трести ташкил қилинганидан буён унга 1028 та олий маълумотли ва 1372 та ўрта махсус маълумотли мутахассис йўлланди. Трест тизимларида кадрларнинг тез келиб-кетиши кузатилди. Масалан, 1972 йилда “Ферганаводстрой”га 1896 киши ишга қабул қилинди, шулардан 966 киши бўшаб кетди ва яна шунча киши ишга қайта жойлаштирилди.

Сув хўжалиги тизимида техник мослама, ускуна ва механизмлардан фойдаланиш учун механизатор ва ирригаторлар жуда зарур эди. Хусусан, 1972 йилда Фарғона водийси жамоа ва давлат хўжаликларида 187,8 минг турли касбдаги мутахассислар бўлиб, уларнинг 7930 нафарини агроном, зоотехник, ирригатор ва бошқа кадрлар ташкил этди. Шу жумладан, у ерда 1258000 махсус ўрта маълумотли мутахассислар ҳам мавжуд эди. 1973 йилда республика жамоа хўжалик ходимларининг 13 % ини механизаторлар ташкил қилиб, уларнинг сафи анча кенгайди. Бироқ 80-йилларда механизатор кадрлар сони камайди. Масалан, 1980 йилда механизаторлар сони 120,1 минг бўлса, 1985 йилда 121,1 минг, 1990 йилда жами 70,3 минг бўлди [19. Б. 29].

Шу даврда Андижон гидромелиорация техникуми “Гидромелиорация”, “Гидротехник қурилиш”, “Гидромелиорация ишларини механизациялаш” мутахассисликлари бўйича кадрлар етиштирди. 1974 йил 15 апрелдаги тарификация ведомостига кўра техникумда 73 та ўқитувчи, шундан 57 таси асосий штатда, 16 таси ўриндошлик асосида фаолият олиб борди [20. В. 113]. 1973–1974 ўқув йилида Андижон гидромелиорация техникуми ўқувчилари жами 1455 нафар бўлиб, уларнинг аксарияти гидромелиорация мутахассислиги бўйича таҳсил олди.

ЎзССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги тасдиқлаган 1976 йил штатлар жадвалига асосан Андижон вилоят суғориш тизими бошқармаси мутахассис кадрлар билан тўлдирилди. 1977 йил 1 январь ҳолатига вилоят суғориш тизимида 2460 киши фаолият кўрсатди. Жумладан, 1056 нафар муҳандис-техник, шундан 130 нафари олий маълумотли, 467 нафари эса ўрта-махсус маълумотлилар. Шу билан бирга, сув хўжалигида фаолият олиб борган ишчилардан 12 нафари олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимида, 28 нафари эса техникумларда таҳсил олди. 1976 йилда муҳандис-техникларнинг 14 нафари малака оширди [21. Б. 21].

Ўзбекистон КП МҚнинг 1974 йил 11 сентябрдаги “Раҳбар кадрлар ҳамда жамоа, давлат хўжалиги мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича қишлоқ хўжалиги ташкилотлари фаолияти тўғрисида”ги қарорига кўра, ўқув-методик ишларни такомиллаштириш, илғор янгиликларни қўллаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори зиммасига юклатилди. Шунингдек, ҚҚАССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаларига 1976–1980 йилларда малака оширишга юбориш графигини белгиланган режага кўра ҳар бир хўжаликда ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги бўйича олий маълумотли ва ўқишни битириб камида 5 йил иш стажига эга бўлганларни юбориш, институтда 250 ўринли малака ошириш факультети тингловчилари учун ўқув-тажриба иншоотларини қуриш вазифаси топширилди. Мазкур қарорнинг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги малака ошириш факультети ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан бажарилиши бўйича ЎзССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги коллегияси 1976 йилнинг 21 январида қарор қабул қилди. Унда қайд этилишича, институт қошида малака

ошириш факультети ташкил этилгандан буён 3325 нафар қишлоқ ва сув хўжалиги раҳбар ходимлари, мутахассислари малака оширди. Тўққизинчи беш йилликнинг ўзида 2227 та мутахассис таҳсил олди. 1974–1975 ўқув йили режасидаги 420 нафар ўқувчи ўрнига 424 киши ўқитилди [22. В. 215].

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ўнинчи беш йилликда ҳам мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими янада шакллантирилди. Жумладан, “Айнан шу беш йилликда унинг 3 филиалида мавжуд бўлган 18 факультетда 14,5 минг талаба (шундан 9 минг киши кундузги бўлимда) таҳсил олди. Уларга 14 мутахассислик ва турли техникавий ҳамда иқтисодий йўналишлар ихтисоси бўйича таълим берилди. Институтга ҳар йилги қабул 3740 кишига етди, уни йилига 1980 муҳандис битириб чиқди (шундан 1500 дан ортиғи кундузги бўлимлар ҳиссасига тўғри келди). Институт ўз фаолияти йилларида халқ хўжалиги учун жами 28 мингдан ортиқ, шу жумладан, ўнинчи беш йилликда 7350 мутахассис тайёрлаб берди” [23. Б. 56–58].

1979 йилнинг ўзида “Каршистрой”нинг 644 муҳандис-техник ходимлари қисқа муддатли курслар ва семинарларда ўз малакаларини оширди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 3500 малакали ишчи тайёрланди, 239 киши бир-бирига яқин касбларни эгаллашди. Бироқ айнан шу даврда Қарши чўлининг давлат хўжаликларида доимий ишловчи механизаторларнинг сони йилдан-йилга камайиб борди. Масалан, “Нишон районидаги СССР 50 йиллиги номли 11-давлат хўжалигида 1979-1982 йилларда қишлоқ ҳунар-техника билим юртларини тамомлаган 48 киши келди ва шу давр ичида 46 ёш механизатор ўз хоҳиши билан ишдан бўшаб кетди. Бундай шароитда Қарши чўли совхозларида малакали механизатор кадрларнинг муқим ишлаб қолишини умид қилиш қийин” [24. Б. 20].

Ўн биринчи беш йилликда республикада тайёрланган кадрларнинг умумий миқдорида механизаторлар 63,4 % ни, мелиораторлар 14,2 % ни, чорвадорлар 13,4 % ни ташкил қилди. Уларни тайёрлаш 212 та ҳунар-техника билим юртларида ташкил этилган доимий ишлайдиган курсларда амалга оширилди. Биргина Андижон вилоятида 1987 йилда вилоят сув хўжалиги ишлаб-чиқариш бошқармасининг илтимосномасига биноан Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 26 нафар олий, 41 нафар ўрта махсус маълумотли мутахассис кадрлар юборилди. 1988 йил 1 январь ҳолатига кўра бошқармада 3591 киши фаолият кўрсатди. Жумладан, 1018 киши муҳандис, 429 киши техник лавозимида ишлади, шундан 357 нафари олий, 858 киши эса ўрта-махсус маълумотлилардир” [25. Б. 6].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ирригация соҳаси учун кадрлар тайёрлаш масаласи совет ҳукуматининг доимий диққат марказида бўлди. Чунки ирригация ишлари биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилганди. Совет идоралари ҳар икки соҳага доир тадбирларни ишлаб чиқди ва уларни ўз ҳукмронлигининг барча даврларида амалга оширишга ҳаракат қилди. Шу мақсадни амалга ошириш учун суғориш ва пахтачилик соҳасига малакали мутахассисларни тайёрлаш иши йўлга қўйилди. Суғориш соҳаси бўйича олий маълумотли мутахассис кадрлар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд қишлоқ хўжалиги ва Андижон пахтачилик институтларида, ўрта бўғин кадрлари, асосан, гидромелиорация техникумлари ва механизация мактабларида тайёрланди.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА). Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 708-йиғма жилд.

2.ЎзМА. Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 710-йиғма жилд.

3.*Ғофуров А.* Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 126 б.

4. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА). 1022-фонд, 2-рўйхат, 86-йиғма жилд.

5. ЎзМА. Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 749-йиғма жилд.

6. ЎзМА. Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 784-йиғма жилд.

7. *Наринский К.М*. Яшнаган қўриқ. (Ўзбекистон меҳнаткашларининг Марказий Фарғонадаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тажрибалари). – Тошкент: Ўзбекистон, 1965. – 60 б.

8. ФВДА. 711-фонд, 1-рўйхат, 71-йиғма жилд.

9. *Искандаров С.И., Раҳимбоев Ф.М*. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984. – 38 б.

10. *Абдунабиев А.Г*. Борьба КПСС за увеличение орашаемых земель (на примере Голодной степи). – Ташкент: Узбекистан, 1966. – 240 с.

11.Ўзбекистон ирригацияси: альбом. – Тошкент: Ўздавнашр, 1959. – 83 б.

12. *Хушвақтов Ҳ.* Қарши чўлининг ўзлаштирилиши жараёнида меҳнат ресурсларининг шакллантирилиши // O‘zbekiston tarixi, 2012. – №3–4. – Б. 66–69.

13. *Ғоипова Т.Ф*. Қарши чўлида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш. –Тошкент: Ўзбекистон, 1984. – 23 б.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими, 155-фонд, 2-рўйхат, 182-йиғма жилд.

15. ФВДА. 1126-фонд, 7-рўйхат, 318-йиғма жилд.
16. Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. Т.1. / Гл.ред. Ф.С.Садыков. – Ташкент: Фан, 1975. – 351 с.
17. Минводхоз УзССР в девятой пятилетке. Ташкент, 1976. – 328 с.
18. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. / Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камоловва бошқ. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.
19. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г.Стат. ежегод. – Ташкент: Узбекистан, 1991. – 446 с.
20. ЎзМА. Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 5809-йиғма жилд.
21. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг идоравий архивининг 1976 йил бўйича йиллик техник ҳисоботи материалларидан.
22. ФВДА. 1126-фонд, 7-рўйхат, 1055-йиғма жилд.
23. *Раҳимбоев Ф*. Ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлаймиз // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1983. – № 4. – Б.56–58.
24. *Ғойибов Р.* Қарши даштининг равнақи // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1981. –№ 2. – Б.20–22.
25. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси идоравий архивининг 1987 йил бўйича йиллик техник ҳисоботи материалларидан.

PREPARATION OF IRRIGATION SYSTEM PERSONNELS IN UZBEKISTAN: ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS (1951-1990)

O.K. Komilov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 3 (63). 18-24.
[1]Andijan State University, Andizhan, 170100, str.University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *Uzbekistan, soviet government, irrigation, land reclamation, specialist, virgin lands, cotton monopoly.*

The Soviet government made a number of decisions on the training of water management personnel. In particular, on May 12, 1951, the Council of Ministers of the USSR adopted a resolution “On expanding the training of technicians in hydraulic engineering”. This decision was developed in accordance with the resolution of the Council of Ministers of the USSR of March 1, 1951 “On expanding the training of engineers and technicians in hydraulic specialties”. According to him, the Ministry of Cotton has been assigned a number of tasks. In particular, from the 1951-1952 academic year, the Samarkand Agricultural College was reorganized as a hydro-ameliorative technical school, enrolling 90 people a year and including it in the Ministry of Water Resources of the USSR. Establishment of annual educational departments of hydro-amelioration (in the current academic year it is planned to enroll 80 students in three regional technical schools, totally 240 students).

Ministries, departments and organizations of the USSR were allowed to admit students to the two-year hydro-ameliorative and hydrotechnical departments of technical colleges to study without separation from production. It was proposed to provide Andijan, Namangan and Bukhara agricultural technical schools with dormitories for 100 places, Samarkand hydro-ameliorative technical school for 90 places, and Khorezm hydro-ameliorative technical school for 150 places.

At the beginning of 1952, the total number of workers and engineers of the Ferghana Valley Water Resources and the Ferghanavodstroy Trust was 2,188, and in 1958 it was 3,011. In 1970, this figure was 4,899 in the Andijanvodstroy and Ferganavodstroy trusts, including 1,301 machinists and excavators and their assistants, 531 scrapers, 546 bulldozers, 231 graders, 163 tractor drivers, and 931 concrete workers. However, by the beginning of 1972, Ferghanavodstroy alone lacked 46 excavators, 182 scraper-bulldozers, 108 construction workers and other development specialists.

In the eleventh five-year period, mechanization specialists accounted for 63.4%, reclamation workers for 14.2% and livestock breeders for 13.4% of the total number of trained personnel in the country. Their training was carried out in permanent courses organized in 212 vocational schools. In Andijan region alone, in 1987, at the request of the regional Department of Water Resources Production, the Ministry of Water Resources sent 26 specialists with higher and 41 specialists with secondary specialized education. As of January 1, 1988, the department employed 3,591 people. In particular, 1,018 people worked as engineers and 429 people in technical positions, of which 357 had higher education and 858 had secondary specialized education.

References:

1. O‘zbekiston Milliy arxivi (O‘zMA) [National archive of Uzbekistan. (NA of Uz)]. Fund- R-2483. List-1, Folding Volume-708.

2. NA of Uz. Fund-R-2483, List-1, Folding Volume-710.

3. Gofurov, A. (1974) *Irrigatsiya va melioratsiyani rivojlantirishning iqtisodiy problemalari* [Economic problems of irrigation and land reclamation development]. Tashkent: O‘zbekiston.

4. Farg‘ona viloyat davlat arxivi [State Archive of Ferghana region. (FRSA)]. Fund-1022, List-2, Folding Volume-86.

5. NA of Uz. Fund-R.2483, List-1, Folding Volume-749.

6. NA of Uz. Fund-R.2483, List-1, Folding Volume-784.

7. *Narinskiy K.M.* (1965) *Yashnagan qo‘riq. (O‘zbekiston mehnatkashlarining Markaziy Farg‘onadagi qo‘riq va bo‘z yerlarni o‘zlashtirish tajribalari).* [A living reserve. (Experiences of Uzbek workers in the development of reserves and pastures in Central Ferghana)].Tashkent: O‘zbekistan.

8. FRSA, Fund-711, list-1, Folding Volume-71.

9. Iskandarov, S.I., Rahimboev, F.M. (1984) *O‘zbekistonda irrigatsiya va melioratsiyaning rivojlanishi* [Development of irrigation and land reclamation in Uzbekistan]. Tashkent: O‘zbekistan.

10.Abdunabiev, A.G.(1966) *Bor'ba KPSS za uvelichenie orashaemyh zemel' (na primere Golodnoj stepi* [Struggle of the CPSU for an increase in irrigated lands (on the example of the Mirzachul)]. Tashkent: O‘zbekistan.

11. O'zbekiston irrigatsiyasi: albom (1959) [Irrigation of Uzbekistan: album]. Tashkent: O‘zdavnashr.

12. Khushvaqtov, H. (2012) Qarshi cho‘lining o‘zlashtirilishi jarayonida mehnat resurslarining shakllantirilishi [Formation of labour resources in the process of development of the Karshi desert]. *O‘zbekiston tarixi.* No 3-4. Pp.66-69.

13. Goipova, T.F (1984) *Qarshi cho‘lida mehnat resurslaridan samarali foydalanish* [Efficient use of labour resources in the Karshi desert]. Tashkent: O‘zbekiston.

14. Archive of the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan, Andijan regional department. Fund-155, List-2, Folding Volume-182.

15. FRSA, Fund-1126, List-7, Folding Volume-318.

16. Sadykov, A.S. (ed. (1975) *Irrigaciya Uzbekistana* [Irrigation of Uzbekistan]. In 4 volumes. Vol.1. Tashkent: Fan.

17. Ministerstvo vodnogo hozyajstva UzSSR v devyatoj pyatiletke (1976) [Ministry of Water Resources of the Uzbek SSR in the ninth five-year plan].Tashkent.

18. Juraev, M. (Compilers.et.al) (2000), *O‘zbekistonning yangi tarixi* [New history of Uzbekistan]. In: O‘zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida [Uzbekistan in the period of Soviet colonialism]. Book 2. Tashkent: Shark.

19. Narodnoe hozyajstvo Uzbekskoj SSR v 1990 g. Statisticheskij ezhegodnik. (1991). [The national economy of the Uzbek SSR in 1990. statistical yearbook]. Tashkent: Uzbekistan.

20. NA of Uz., Fund-R.2483, List-1, Folding Volume-5809.

21. O‘zbekiston Respublikasi Suv xo‘jaligi vazirligi Norin-Qoradaryo irrigatsiya tizimlari havza boshqarmasining idoraviy arxivining 1976 yil bo‘yicha yillik texnik hisoboti materiallaridan [From the materials of the annual technical report of the departmental archive of the Naryn-Karadarya Irrigation Systems Basin Department of the Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan for 1976].

22. FRSA. Fund-1126, List-7, Folding Volume-1055.

23. Rahimboev, F.(1983) Har tomonlama yetuk mutaxassislar tayyorlaymiz [We will train highly qualified specialists]. *O‘zbekiston qishloq xo’jaligi.* No 4. Pp. 56-58.

24. Goyibov, R. (1981) Qarshi dashtining ravnaqi [Development of Karshi steppe]. *O‘zbekiston qishloq xo’jaligi.* No 2. Pp. 20-22.

25. O‘zbekiston Respublikasi Suv xo‘jaligi vazirligi Norin-Qoradaryo irrigatsiya tizimlari havza boshqarmasining idoraviy arxivining 1987 yil bo‘yicha yillik texnik hisoboti materiallaridan [From the materials of the annual technical report of the departmental archive of the Naryn-Karadarya Basin Department of Irrigation Systems of the Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan for 1987].

Муаллиф ҳақида маълумот:

КОМИЛОВ Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори, Андижон давлат университети Фуқаролик жамияти назарияси кафедраси профессори. E-mail: oybek.komilov@bk.ru